

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТАЙЛАКОВА ШАХНОЗА НОРБЕКОВНА**

**ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ  
ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**(телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари  
мисолида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктори философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Тайлакова Шахноза Норбековна**

Ўқувчи – ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида  
такомиллаштириш (телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет  
хабарлари мисолида).....3

**Тайлакова Шахноза Норбековна**

Совершенство духовности учащейся-молодёжи на основе средств  
массовой информации (на примере телепередач, радиопередач и интернет-  
сообщений).....23

**Taylakova Shakhnoza Norbekovna**

Perfection of spirituality of school children's on the basis of mass media (as an  
example television, radio and Internet are considered).....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТАЙЛАКОВА ШАХНОЗА НОРБЕКОВНА**

**ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ  
ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**(телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари  
мисолида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped 38 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Қуронов Муҳаммаджон</b> педагогика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Раҳимов Бахтиёр Худойбердиевич,</b> педагогика фанлари доктори, доцент  <b>Халилова Шахноза Турғуновна,</b> педагогика фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Андижон давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_»\_\_соат\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51;

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С.Шарипов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д.,проф.

**Р.Г.Исянов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доц.

**Д.Д.Шарипова**

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., проф.

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда медиавоситаларининг ривожини ёшларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф туғдирадиган ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Хорижий телевидениелар орқали берилаётган кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, интернет манбалари, мобил алоқа, компьютер ўйинлари, видео ва кино маҳсулотларидан фойдаланувчи ўқувчи-ёшлар керакли ахборот билан бирга жамиятимизнинг ахлоқий тартиб-қоидаларига зид бўлган шафқатсизлик, зўравонлик ва миллий менталитетимизга бегона бўлган бошқа ғоялар тарғиботига ҳам дуч келмоқда. Натижада ёшлар орасида ахборот маданиятини шакллантириш ва уларнинг маънавиятини юксалтириш зарурати тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ўқувчини шахс сифатида ривожлантириш ва унинг ижтимоий фаоллигини оширишда медиавоситалардан фойдаланиш технологияларини, инновацион усулларини такомиллаштириш, ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари (ОАВ) асосида шакллантиришнинг диагностика тизимини такомиллаштириш, глобал ахборот майдонида ўқувчи-ёшларни турли ғоявий таъсирлардан ҳимоялаш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси, шахс камолоти йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқимизнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналари, урф-одатлари ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалар амалиётга жорий этилди. Ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтириш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни Ватанга содиқ, фидойи инсонлар этиб тарбиялаш узвийлик ва узлуксизликни талаб қиладиган долзарб педагогик жараён сифатида «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида муҳим ўрин эгаллайди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ-406-сонли, 2017 йил 8 сентябрдаги «Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги» ЎРҚ-444-сонли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сонли Қарори, 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. Б.39.

бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши, шунингдек, фаолиятга доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада миллий ғоя ва мафқуранинг жамият ҳаётида тутган ўрни, миллий тарбиянинг маънавий асослари, ўқувчи шахсида мафқуравий иммунитетни шакллантириш ва маънавий маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик масалалари мамлакатимиз олимлари Д.Анварова, Ў.Асқаров, Б.Адизов, О.Жамоллидинова, У.Маҳкамов, Ш.Мардонов, О.Мусурмонова, Б.Мирзалимов, Н.Ортиқов, Д.Рўзиева, Д.Шарипова, Ш.Шарипов, С.Нишонова, Ф.Норбоева, М.Қуронон, З.Қурбониезова ва бошқ. томонидан, маънавий тарбиянинг психологик жиҳатлари эса психолог олимлар Ғ.Б.Шоумаров, З.Нишонова, В.Каримова ва бошқ. томонидан тадқиқ этилган.

Ўқувчи-ёшлар маънавиятини такомиллаштиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари ҳамда ёшлар маънавий дунёқарашига оммавий ахборот воситаларининг таъсири муаммолари ижтимоий фанларнинг турли йўналишлари бўйича А.Бегматов, М.Бекмуродов, А.Маврулов, М.Қуронон, Қ.Қуронбоев, О.Ғайбуллаев, Х.Дўстмуҳаммад, К.А.Фарфиева, Ш.Пахрутдинов, И.Раҳматуллаева, Ш.Халилова ва бошқ. ишларида тадқиқ этилган.

Замонавий ахборот технологиялари асосида интернет - оммавий ахборот воситаларида таълим ресурсларини яратиш, ўқув-тарбия жараёнини педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бошқариш муаммоларига доир масалалар А.Абдуқодиров, У.Бегимкулов, Р.Джураев, Н.Тайлаков кабиларнинг тадқиқотларида илмий жиҳатдан асосланган.

Россиялик олимлар В.Г.Афанасьев, Ю.М.Батурн, Г.П.Бакулев, В.М.Березин, В.М.Воробьёв, А.Журин, Л.Федотова томонидан оммавий ахборот воситалари вазифалари ва жамият аъзолари, хусусан, ёшлар виртуал ҳаётининг айрим жиҳатларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Хорижлик олимлар Кин Джон, Дженнингз Брайдант, Сузан Томпсон, Дж.Мерилл, Э.Денис, Кэролайн Уилсон, Элеанор Бёрд, Ричард Лутц, Кристиан Уорвик, Ричард Сайерсларнинг тадқиқотларида оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳаётидаги ижтимоий имкониятлари ва медиатаълим технологияларини жорий этиш зарурати очиқ берилган.

Ўқувчи-ёшлар маънавиятини ривожлантириш муаммоси турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, глобал ахборотлаштириш даврида ўқувчи-ёшлар маънавиятини миллий оммавий ахборот воситалари манбалари: телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари асосида такомиллаштириш масаласи махсус тадқиқот предмети бўлмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг Ф1-ХТ-0-16955 – «Телекоммуникатив тизимни глобаллаштириш шароитида мактаб ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашнинг фундаментал муаммолари» (2014-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал ҳамда ПЗ-2014-0906164153 – «Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали ўқитувчиларда информациявий таҳдидларга қарши курашиш механизмини ишлаб чиқиш» (2014-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

телекўрсатувларнинг ўқувчи-ёшлар маънавиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи педагогик функцияларини аниқлаш;

ОАВда ўқувчилар маънавиятини ривожлантиришга қаратилган мавзулар самарадорлигини оширишга доир медиапедагогик талабларни такомиллаштириш;

ўқувчи-ёшлар маънавиятини ривожлантиришга қаратилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар мазмунидан тарбиявий жараёнларда фойдаланиш методларини такомиллаштириш;

ўқувчи-ёшлар маънавиятига таҳдид солаётган зарарли медиамаҳсулотлар таъсирига қарши курашиш моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** умумий ўрта таълим мактабларининг 8-9-синфларида ўқувчи-ёшлар маънавиятини телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари асосида такомиллаштириш жараёни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** умумий ўрта таълим мактабларининг 8-9-синфларида ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл ва методларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий-назарий таҳлил, қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, моделлаштириш, суҳбат, интервью, анкета сўровлари, тестлар, тажриба-синов, математик статистик таҳлил каби тадқиқот ва таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

телекўрсатувларнинг ўқувчи-ёшлар маънавиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи (огоҳлантирувчи, маълумот берувчи, интегратив, рефлексив, ижтимоий педагогик, маданий-рекреатив) ташкилий-педагогик функциялари аниқлаштирилган;

ОАВда ўқувчилар маънавиятини ривожлантиришга қаратилган мавзулар самарадорлигини ошириш жараёни ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш, контентнинг маънавий эҳтиёжлар ва ёш хусусиятларига мослиги, тарбиявий ишлар мазмунига уйғунлиги каби медиапедагогик талаблар асосида такомиллаштирилган;

ўқувчи-ёшлар маънавиятини ривожлантиришга қаратилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг мазмунидан тарбиявий жараёнларда фойдаланиш методлари (сухбат, давра сухбати, видеолекторий, медиаҳафталиклар) оптимал медиапедагогик ресурслар асосида такомиллаштирилган;

таълим муассасалари, ўқувчилар ва ота-оналар билан медиамулоқотлар воситасида ўқувчи-ёшлар маънавиятига таҳдид солаётган зарарли медиамаҳсулотлар таъсирига қарши курашишга йўналтирилган педагогик жараён модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида ривожлантиришга йўналтирилган ўқув курси дастури ишлаб чиқилган;

ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида юксалтириш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида «Ўзбекистон» ва «Менинг юртим» телеканалларида туркум кўрсатувлар тайёрланган ва эфирга узатилган;

замонавий ахборот технологиялари асосида маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини оширишга йўналтирилган «Баркамол авлод – келажакимиз таянчи» номли мультимедиа электрон ўқув қўлланма ишлаб чиқилган;

тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган ўқувчи-ёшлар маънавиятини ОАВ асосида такомиллаштиришга доир таклифлардан таълим муассасаларида қатор маънавий-маърифий тадбирлар, семинарлар, давра сухбатларини ташкил этишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, қўлланган усуллар, реал педагогик амалиёт ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг таҳлили, таҳлилнинг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли вазирлик ва ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизим, педагогик жараён модели ва маънавиятлилик даражасини белгиловчи кўрсаткичлар ҳамда ўқувчи-ёшлар маънавиятини ОАВ асосида ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари материаллари асосида ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш, ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтиришга доир ОАВ материалларини тайёрлашда педагоглар ва журналистлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда тадқиқот мақсади бўйича ишлаб чиқилган тавсияларнинг таълим-тарбия жараёнида самарали қўлланиши билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ-406-сонли Қонуни доирасида тайёрланган таълим муассасаси, оила ва маҳалла фаолиятини ҳамкорлиги асосида ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида ривожлантиришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиши», жумладан, «Ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 27 декабрдаги 01-02/1-7-383-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий қилиниши таълим муассасаларида, маҳалларда, оилаларда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган «Баркамол авлод келажагимиз таянчи» номли мультимедиа электрон тренинг қўлланмаси қатор таълим муассасаларида оммалаштирилган ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия жараёнларида ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида шакллантириш, умумий ўрта таълим мактабларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 7 июлдаги 01-02/1-3-213-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар мактаб ўқитувчилари касбий фаолияти самарадорлигини ошириш, таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларини ривожлантириш имконини берган.

Ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида юксалтиришда маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга доир таклифлардан таълим муассасаларида қатор маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (ҳозирги Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи) Марказий Кенгашининг 2016 йил 17 ноябрдаги 12-13/2491- сонли маълумотномаси, Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 7 июлдаги 01-02/1-3-213-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий қилиниши таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларни янада такомиллашириш имконини берган.

Ўқувчи-ёшлар аудиториясига мўлжалланган телекўрсатувларнинг педагогик функцияларини ошириш, ёшлар маънавиятини ривожлантириш, ёшлар орасида ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир таклифлардан Ўз МТРК тасарруфидаги «Ўзбекистон» телеканалининг «Биз учун муҳим», «Бу ҳам муҳим», «Нигоҳ» кўрсатувлари ҳамда «Озод юрт тўлқинлари» МЧЖ тасарруфидаги «Менинг юртим» телеканали орқали эфирга узатилган «Эркин фикр» ток-шоусининг (1-, 2-, 6-, 8-, 11-, 12-, 18, 23-сонлари) тайёрланишида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 7 июлдаги 01-02/1-3-213-сон маълумотномаси, «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2016 йил 17 ноябрдаги 13-13/1487-сон маълумотномаси, «Озод юрт тўлқинлари» МЧЖ тасарруфидаги «Менинг юртим» телеканалининг 2016 йил 10 ноябрдаги 24-сон маълумотномаси).

Таклифларнинг жорий қилиниши ўқувчи-ёшлар маънавиятини ОАВ асосида ривожлантириш механизмларини амалда қўллаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2та халқаро ва 15та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40та нашр иши, жумладан 1та монография, 1та электрон қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17та мақола, жумладан, 13таси республика ва 4та хорижий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, хорижий тадқиқотлар шарҳи, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Глобаллашув шароитида ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантириш ва ривожлантириш муаммосига доир мамлакатимиз ва жаҳон олимларининг илмий тадқиқот ишлари, шу соҳада олиб борилган илғор тажрибалар назарий-методологик асос сифатида илмий таҳлил қилинган. Мазкур бобнинг навбатдаги параграфларида глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситаларининг инсон онгига таъсири, ОАВ ва инсон орасидаги коммуникациянинг ижобий, шу билан бирга салбий хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

Диссертацияда мустақиллик йилларида жамият маънавиятини ислоҳ қилишда ОАВнинг маърифий имкониятлари очиб берилган, телеканалларнинг маънавий-маърифий соҳани ривожлантиришга қаратилган вазифалари ҳамда телекўрсатувларнинг медиапедагогик хусусиятлари ҳақида илмий таҳлиллар келтирилган. Тадқиқот ривожига телекўрсатувларнинг ўқувчи-ёшлар маънавиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи: огоҳлантирувчи, маълумот берувчи, интегратив, рефлексив, ижтимоий педагогик, маданий-рекреатив эҳтиёжларни таъминловчи ташкилий-педагогик функциялари аниқлаштирилган.

Таҷрибаларимиз таҳлили шуни кўрсатдики, ўқувчи-ёшлар аудиториясига мўлжалланган мавзуларнинг ёритилишида юқорида санаб ўтилган ташкилий-педагогик функциялар телекўрсатувлар мазмунида ҳар доим ҳам ўз аксини топмайди. Хусусан, болалар кўрсатувларини тайёрлайдиган тележурналистлар фаолиятида воқеа-ҳодисаларни педагогик идрок ва таҳлил қилиш қобилияти суст, натижада кўрсатув тайёрлаш жараёнида ўқувчи-ёшларнинг маънавий эҳтиёжлари, қизиқишлари, шахсий фикри эътибордан четда қолади.


Тадқиқотда юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, ўқувчи-ёшлар аудиториясига оид дастурларни тайёрловчи журналистларнинг медиапедагогик билимларини ошириш зарур деган хулосага келинди. Шунга кўра, тадқиқот доирасида ОАВда ўқувчилар маънавиятини ривожлантиришга қаратилган мавзулар самарадорлигини ошириш ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжларига мослиги, мавзулар ранг-баранглиги, тарбиявий ишлар мазмунига уйғунлик, ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш, контентнинг ўқувчилар ёш хусусиятларига мослиги каби медиапедагогик талаблар асосида такомиллаштирилди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

### Ўқувчи-ёшлар кўрсатувларининг маънавий –маърифий натижавийлигини ошириш талаблари

т/р	Натижавийликни ошириш талаблари ва унинг қисқача мазмуни
1.	<i>Маънавий эҳтиёжларга мослиги.</i> Ўқувчи-ёшлар мавзусидаги материалларнинг мазмун-моҳияти, тузилиши аниқлик ва оддийликка асосланиши ва ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжларини ривожлантиришга хизмат қилиши зарур.
2.	<i>Мавзулар хилма-хиллиги.</i> Телекўрсатувларда бериладиган материаллар мазмуни бадиий, информацион, таълимий, тарбиявий, креатив фикрлашга ундовчи талабларга мос бўлиши лозим.
3.	<i>Уйғунлиги</i> - телекўрсатувларда бериладиган материаллар мазмуни маънавий-мафкуравий тарбия жараёнига уйғун бўлиши лозим.
4.	<i>Ёш хусусиятларига мослиги.</i> Ўқувчи-ёшлар мавзусини ёритадиган медиаматериаллар ёшларнинг истак-ҳоҳишлари ва қизиқишларига, психологиясига, ижтимоий тасаввур ва қарашларига мос бўлиши лозим.
5.	<i>Медиасаводхонликни ривожлантириши.</i> Телекўрсатувлар мазмуни ўқувчи-ёшларда медиаматериалларни таҳлил қила олиш, хулоса чиқариш, виртуал оламдаги ғоявий мунозараларга мустақил эркин фикрини билдира олиш қобилиятини ривожлантириши лозим.

Юқоридаги медиапедагогик талабларни ҳисобга олиб, ўқувчи-ёшлар аудиториясига оид дастурлар, журналистлар ва педагоглар ҳамкорлигини йўлга қўйиш асосида тайёрланиши лозим. Бизнингча, медиамаҳсулотларнинг тарбияловчи хусусиятларининг самарадорлиги айнан мазкур ҳамкорлик асосида тайёрланишига бевосита боғлиқ. Ушбу тадбирни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг таълим муассасаси, оила ва маҳалла билан ҳамкорликдаги фаолиятини интеграциялаш тизими такомиллаштирилган (1-расм).



**1-расм. Оммавий ахборот воситаларининг таълим муассасаси, оила ва маҳалла билан ҳамкорликдаги фаолиятини интеграциялаш тизими.**

Диссертациянинг иккинчи боби «**Оммавий ахборот воситалари асосида ўқувчи-ёшлар маънавиятини такомиллаштиришнинг педагогик асослари**» деб номланган бўлиб, унда медиатаълимнинг ўқувчи-ёшлар маънавиятини ривожлантиришдаги педагогик имкониятлари, ўқувчи-ёшлар маънавиятини глобал интернет тармоғининг зарарли ресурсларидан ҳимоялаш йўналишлари ёритиб берилган.

Шунингдек, тадқиқот доирасида ўқувчи-ёшлар маънавиятини ривожлантиришга қаратилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг мазмунидан тарбиявий жараёнларда фойдаланиш методлари (сухбат, давра суҳбати, видеолекторий, медиахафталиклар) медиапедагогик ресурслар асосида такомиллаштирилган.

Диссертацияда теледастурларни таълим муассасаси, маҳалла ва оила муҳитининг маънавий тарбия жараёнига жорий қилиш методлари ёритилган:

*таълим муассасасида:*

дарс жараёнларини интерфаол методлар асосида ташкил этишда ўқитувчи кўрсатувлардан дарс мавзусига мос эпизодик лавҳалар, кичик сюжетлардан (видеолекторий) машғулотда фойдаланиши ва ўқувчиларни

мушоҳадага чорлаши, медиаматериаллар воситасида уларда ижодий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши мумкин;

мактаб ота-оналар мажлисининг кун тартибига ахборот хуружларининг таъсири масаласини киритиш ҳамда фарзандларини бундай хуружлардан асрашда уларнинг ОАВдан фойдаланиш ҳолатини яъни интернет, ижтимоий тармоқларга қандай мақсадда кириши, қандай фильм, сериал, клипларни кўришини назоратсиз қолдирмаслик чораларини ўзаро суҳбат асосида муҳокама қилишга чорлаш зарур;

мактабда «Ёш журналистлар» гуруҳини ташкил этиш ҳамда миллий телеканаллар кўрсатувларидан андоза олиб, кичик видеолавҳалар тайёрлаш, мақсадга йўналтирилган интервьюлар ташкил этиш, «Заковат», «Билимдон» каби шоуларни уюштириш, планшет, қўл телефонлари имкониятларидан фойдаланиб уларни тасвирга олиш ва ҳафтанинг маълум бир кунда медиаҳафталиклар уюштириш, уларнинг ижод маҳсулларини тенгдошлари ҳамда ўқитувчилар эътиборига ҳавола этиш орқали натижага эришиш мумкин.

*маҳалла муҳитида:*

маҳаллалар қошида ҳам «Маҳалламиз журналистлари» ёш ижодкорлар клубларини ташкил этиш ва юқорида айtilган вазифаларни маҳаллаларда ҳам амалга ошириш ҳамда маҳалла йиғинларида ёш ижодкорларнинг маҳалла фаолиятдан, намунали оилалар ҳаётидан тайёрланган кичик сюжетли видеолавҳаларини (видеолекторий) маҳалла аҳлига ҳавола этиш;

маҳалла йиғинларида «Ўз болангни ўзинг асра» тамойили ҳамда «Бир болага етти маҳалла ота-она» қабалидаги миллий кадрият ва анъаналаримиз асосида болаларни уларнинг соғлигига, маънавиятига зарар етказадиган медиамаҳсулотлардан асрашга бағишланган педагогик муаммоларни муҳокама(суҳбат) қилиш ва маҳалла фахрийлари, ноиблари ва посбонлари билан бирга ечимини топиш орқали жорий қилиш мумкин.

*оила муҳитида:*

ота-оналар кўрсатувлар дастури эълон қилинган нашрларнинг ўқувчи-ёшларга оидларини белгилаб, оила даврасида фарзандлари билан бирга бу дастурларни томоша қилиши, муҳокама қилиши, суҳбат қуриши, фарзандининг теледастур ҳақидаги фикрларини эшитиши;

томоша қилган теледастурлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва таклифларни хат ёки mtrk.uz манзилига жўнатишда фарзандларга кўмаклашиш, бу билан бола ва ОАВлар орасида виртуал мулоқотни (медиамулоқот) ўрнатиш, уларни ОАВлардан мақсадли фойдаланишга ўргатиш;

кун давомида бола (ўқувчи) қандай кўрсатувларни кўргани ва қандай хулосаларга келганини ёзиб боришга ҳамда ўз фикрларини ота-онаси билан бўлишишга уларни ўргатиш лозим.

Шунингдек, тадқиқот давомида ўқувчи-ёшларнинг ҳаётида радионинг ўрни ва радиоэшиттиришларнинг тарбиявий функциялари аниқлаштирилган. Бугунги кунда ёшлар аудиторияси эътиборини ўзига жалб қилаётган радиолар асосан FM тўлқинидаги нодавлат радиоканаллардир. Жумладан,

«Аъло FM», «Гранд», «Ориат-доно», «Водий садоси», «Ўзбегим таронаси», «Махима» каби радиоканаллар эшиттиришлари ёшларбоп дастурларга бойлиги билан ажралиб туради. Бироқ, номлари тилга олинган радиоканалларда ёшларбоп дастурларни олиб борувчи бошловчиларнинг кўп ҳолларда шевага хос сўзлардан фойдаланиши, нутқ маданияти нормаларига риоя қилмаслиги кузатилади. Натижада ёшлар орасида радиобошловчиларга тақлид, нутқ маданиятига риоя қилмаслик, муомала чоғида жаргонлардан фойдаланиш каби салбий ҳолатлар учраб туради. Нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан йўл қўйилаётган бундай хатоларни олдини олиш ёшлар маънавиятини юксалтириш жараёнида долзарб педагогик муаммо ҳисобланади. Шу боис, тадқиқотда ўқувчи-ёшлар маънавиятини ривожлантирувчи радиоэшиттиришларнинг педагогик ресурслари шакллантирилган.

Тадқиқот давомида интернетнинг ёшлар дунёқарашига таъсири таҳлил этилган. Замонавий ўқувчи-ёшлар Интернетга маълумот олишнинг асосий манбаи ва коммуникациянинг бош воситаси, деб қарайдилар. Улар онлайн тизимига асосан янгиликларни излаш, дўстлар билан мулоқот қилиш, мусиқа ёзиб олиш учун қирадилар. Ҳали онги шаклланиб улгурмаган ўқувчи-ёшларнинг дунёқарашига, ғоявий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ирқчилик, беҳаёлик, зўравонлик ва суицидни тарғиб қилувчи манбалар ҳам айнан интернет орқали тарқалмоқда. Айни даврда «...ахборот коммуникация технологиялари қанчалик ривож топгани сари, унинг афзаллиги ва қулайликларидан фойдаланиш билан бир қаторда, бутун мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масалага айланиб бормоқда»<sup>1</sup>.

Кузатувларимиз жараёнида, ота-оналарга берилган «Фарзандингиз интернетда нималар билан шуғулланишини биласизми?» деган саволга 70,8% ота-оналар аниқ жавоб бера олмаганликлари маълум бўлди. Ота-оналарнинг кўпчилиги: «Интернетни назорат қилиш қийин, у аноним хусусиятга эга», - деган хулосани берганлар. Ота-оналар ўз фарзандларининг қандай сайтларга киришларини билмаслиги оқибатида, айрим ёшлар «киберлудомания» қурбонига айланиб қолмоқда. «Кибернетик лудомания атамаси жаҳон медицина амалиётига расман киритилган касаллик номи. Киберлудомания – компьютер ўйинбозлиги» ўқувчи-ёшлар орасида компьютер ўйинбозлигига чалинганларининг ҳаёт тарзида, жисмоний ва маънавий ривожланишида киберлудоманиянинг асоратлари кузатилади. Ўйинбозлик касалига чалинган ўсмирларни таснифлашда олимлар И.П.Короленко ва Т.А.Донских қуйидаги хулосаларга келишган: ўсмирнинг ўйинда ўтказаетган вақти миқдорининг ошиб бориши; қизиқишлар доираси тарайиб, ўйин ҳақида кўпроқ ўйлай бориши; ютса ҳам, ютқазса ҳам ўйиндан чиқа олмайди; ўйин бошланишини кутади, ўйинсиз қолса, безовта бўлиб, асабийлашаверади; ўйинга тобора кўпроқ нарса тика боради; ўйиндан ўзини

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил, 15 декабрь.

тўхтата олмай қолади; оила аъзоларидан, шифокорлардан ва бошқалардан ўзининг ўта ўйинпарастлигини яшириб, ёлғон гапиради<sup>1</sup>.

Тадқиқот давомида ўқувчи-ёшларни интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар орасида ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мазкур бобнинг якуний параграфида ноҳолис ахборотларни саралаш, медиамаҳсулоларни таҳлил қилишда медиатаълимнинг педагогик имкониятлари асослаб берилган. Медиатаълимнинг педагогик стратегияси – бадиий таҳлил қила олиш, уни талқин қилиш асосида баҳо беришдан иборатдир. Медиатаълим марказида шахс туради, унинг қизиқиши, хоҳиш, истакларини ҳисобга олиш, олинган ахборот воситасида танқидий фикрлашга ўргатиш керак. Хорижий давлатлар педагог олимларининг фикрича, медиатаълим тарбиявий, таълимий аҳамиятга эга бўлиб, ёшларни ўқув билиш жараёнида креатив фикрлашга ўргатади. Медиатаълимнинг яна бир педагогик хусусияти шундаки, ёшлар бу жараёнда ахборот билан ишлаш, ахборот қидириш, зарурларни ажрата билиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, ахборот мазмунини тушунишни ўрганади. Шулар асосида ахборот маданияти шаклланади.


Тадқиқот ишининг **«Ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштиришнинг самарадорлиги»** деб номланган учинчи бобида ОАВ орқали ўқувчи-ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган медиамаҳсулотлар - кино, клип, интернет хабарлари, компьютер ўйинлари мисолида илмий таҳлил қилинган ва мафкурафий таҳдидларга қарши курашишнинг маърифий ечими юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, кабель телевидениелари ҳамда интернет тизими орқали турли хил ёт ғояларни тарғиб қилаётган медиаматериаллар натижасида ўқувчи-ёшларнинг руҳий-эмоционал ҳолати ва ҳулқида рўй бераётган салбий ҳолатларни аниқланди. Диссертацияда таълим муассасалари, ўқувчилар ва ота-оналар билан медиамулоқотлар воситасида ўқувчи-ёшлар маънавиятига таҳдид солаётган зарарли медиамаҳсулотлар таъсирига қарши курашишга йўналтирилган педагогик жараён модели ишлаб чиқилди (2-расм).

Мазкур модель таълим-тарбия жараёнларига инновацион ёндашиш, ўқувчиларда ахборот маданиятини, медиабилымдонликни ривожлантириш ва натижада ижодий қобилиятини намоён эта оладиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, мустақил фикрга эга ўқувчи-ёшларни камол топтиришни назарда тутди. Ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари, таълим муассасаси ва ота-оналар ҳамкорлиги асосида ривожлантириш муҳим педагогик жараёндир.

---

<sup>1</sup> Куронов М. Болам бахтли бўлсин, десангиз. – Т.: Маънавият, 2014, – Б.114



**2-расм. Ўқувчи-ёшлар маънавиятига таҳдид солаётган зарарли медиамаҳсулотлар таъсирига қарши курашишга йўналтирилган педагогик жараён модели**



Диссертацияда ўқувчилар маънавиятига таҳдид солаётган зарарли медиамаҳсулотлар таъсирига қарши курашишда таълим муассасалари ва оналар билан ҳамкорликда медиамулоқотлар (аудио, видео, форум, телеграмм) мазмуни келтирилган. Медиамулоқотлар жараёнида дастлаб хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган, ўқувчи-ёшлар маънавиятига таҳдид солаётган медиаматериаллар таҳлил қилинди ва уларга қарши курашишда миллий медиаматериаллар ресурсларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 81, Чилонзор туманидаги 79, Шайхонтохур туманидаги 102, 45, Юнусобод туманидаги 302, 220 ҳамда Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 63, 28, 14, 42-сонли умумий ўрта таълим мактабларида ва Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 76-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўтказилди. Респондентлар сони 498 нафар бўлиб, 250 нафари тажриба синфлари ўқувчилари, 248 нафари эса, назорат синфи ўқувчилари бўлди.

Тажрибалар даврида маълум бўлдики, ёшлар маънавий дунёқарашига Интернетнинг таъсир доираси ниҳоятда кенг. «Сиз оммавий ахборот воситаларининг қайси биридан кўпроқ фойдаланасиз?» деган саволга ўқувчи-ёшларнинг 45%и интернетни, 35%и телевидениени, 20%и радиони танлаганлар. Таҳлил натижалари асосида шундай хулосага келиш мумкинки, ҳозирги даврда интернет ва ижтимоий тармоқлар материалларидан фойдаланиш фоизи юқори. Сўровномалар мазмунида бугунги кун ўқувчи-ёшларининг ахборот алмашиш, ахборот узатиш ва тарқатиш жараёнларидаги (интернет, ижтимоий тармоқ, телеграм, whatsapp, viber, imo ёрдамида) иштироки, баъзида жуда кўп вақтларини шу воситалар билан ўтказаётганликлари, бу эса уларнинг маънавиятига таҳдид солаётгани ҳақидаги саволларга ҳам урғу берилди. «Маънавий таҳдид деганда нимани тушунасиз?», «Оммавий маданият нима ва унинг сизга маълум бўлган қандай кўринишлари мавжуд, бунга сизнинг муносабатингиз?» мазмунидаги саволларга олинган жавоблар таҳлилидан ўқувчи-ёшларда юқоридаги ҳолатларни таҳлилий идрок этиб, шундай ҳолатлар таъсирига тушиб қолмаслик кераклиги тўғрисида етарли тасаввур шаклланмагани маълум бўлди. Ушбу муаммо таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий соатларининг мазмуни, дарс сифати, ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш лозимлигини кўрсатади. Тажрибалар даврида ўқувчилар орасида ҳам сўровномалар ўтказилди. Унга кўра, «Ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришга хизмат қиладиган қандай оммавий ахборот воситалари материалларини биласиз?», «Дарс жараёнида ўқувчи-ёшлар маънавиятини ривожлантиришга доир қандай ОАВ материалларидан кенг фойдаланасиз?», «Таълимга оид қандай веб-сайтлар билан танишсиз?» каби саволларга олинган жавоблар таҳлили шуни кўрсатадики, педагогларнинг 78%и таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларидан дарс жараёнини қизиқарли ташкил этиш учунгина фойдаланадилар. Муаммонинг ечими юзасидан мониторинг олиб борилмайди. Тажриба-синов даврида мактаб

Ўқитувчиларига тадқиқот юзасидан ишлаб чиқилган медиапедагогик тавсиялар тақдим этилди.

Дастлабки тажриба-синов ишларининг таҳлилий хулосаларидан келиб чиқиб, 12 соатга мўлжалланган «Ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида ривожлантириш» курсининг ўқув дастури ишлаб чиқилди ва тажриба гуруҳларида амалиётга жорий этилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### «Ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида ривожлантириш» курсининг ўқув-мавзу режаси (умумий ўрта таълим мактаблари 8-9 синф ўқувчилари учун)

т/р	Мавзулар	Маъруза	Амалий машғулот	Жами
	Оммавий ахборот воситалари-маънавий дунёқарашни шакллантириш воситаси сифатида	1		1
	ОАВ ва дунёнинг мафкуравий манзараси		2	2
	Медиаоламдаги танловим		1	1
	Телекўрсатувларда ёшлар масалаларининг ёритилиши.	1		1
	Ёшлар радиоёшиттиришларининг тарбиявий жиҳатлари.	1		1
	Интернетдан фойдаланиш маданияти		2	2
	Оммавий маданият ва мафкуравий иммунитет	2		2
	ОАВ дастурларида аждодлар ўғити ва маънавий баркамоллик	2		2
	Жами:	7	5	12

